



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШДА ПАТРУЛ-ПОСТ ХИЗМАТИ БИЛАН ЎЗARO ҲАМКОРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Вахобжонов Дилмурод Дилшодбек ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси Ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси, капитан

Хасанбоев Хаётилло Хусан ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси кундузги таълим
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ихтисослиги бўйича
таълим олаётган 3-ўқув курси 317-ўқув гуруҳи курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18723133>

Аннотация: Ушбу мақолада профилактика инспекторининг патрул-пост хизмати билан ўзаро ҳамкорлиги, асосий йўналишлари, вазифалари, ҳамкорликни амалга ошириш тартиби, профилактика инспекторларининг патрул-пост хизмати билан жамоат тартибини сақлашни амалга оширишда юзага келаётган муаммолар ва уларнинг ечимлари ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: профилактика инспектори, патрул-пост хизмати, жамоат тартиби, ҳамкорлик, маъмурий ҳудуд.

Аннотация: В данной статье рассматривается взаимодействие инспектора профилактики с патрульно-постовой службой, основные направления, задачи, порядок осуществления сотрудничества, проблемы, возникающие при осуществлении инспекторами профилактики охраны общественного порядка с патрульно-постовой службой, и пути их решения.

Ключевые слова: инспектор профилактики, патрульно-постовая служба, общественный порядок, сотрудничество, административная территория.

Дунё давлатлари шаҳарларининг шиддат билан ривожланиб, тобора замонавий қиёфа акс этиб бораётгани унинг марказий кўчалари ва бошқа жамоат жойларида жамоат тартиби ва хавфсизлигини замон талаблари асосида таъминлашни тақозо этмоқда.

Мамлакатимизда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича яхлит тизим яратилган бўлиб, унда ИИО муҳим ўрин эгаллайди.

Ҳозирда республикаимиз маъмурий-ҳудудий бирликларининг шиддат билан ривожланиб бораётганлиги муносабати билан унинг марказий

кўчалари ва бошқа жамоат жойларида жамоат тартибини ва хавфсизлигини ҳозирги замон талабларига жавоб бера оладиган куч ва воситалар ҳамда усуллардан фойдаланган ҳолда самарали таъминлашга эҳтиёж сезилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев *“Мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш мақсадида давлат, жамият ва шахс хавфсизлигини таъминлаш тизими тубдан ислоҳ қилинмоқда. Бунинг учун энг қуйи тизим – профилактика инспекторлари тизими замонавий тузилма сифатида шакллантирилди. Улар эндиликда маҳалла идоралари билан яқин ҳамкорликда фаолият олиб бормоқда¹ деб таъкидлаган эди.*

Дарҳақиқат, ЖТС ва ХТ жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, мазкур фаолиятни амалга ошириш вазифаси бир қатор субъектларнинг зиммасига юклатилган. В.В. Гордиенко тўғри таъкидлаганидек, «жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминловчи органлар ўз ичига: ИИОнинг ППХ саф бўлинмалари ва йўл-патруль хизмати, Миллий гвардия саф бўлинмалари, ҳарбий хизматчилар ва жамоат жойларида ЖТС ва ХТ, шу жумладан оммавий тадбирларни ўтказишга жалб қилинган ИИОнинг бошқа ходимларини қамраб олади»². ЖТС ва ХТ жараёнида иштирок этувчи субъектлар орасида ИИО ППХ саф бўлинмалари асосий ўринни эгаллайди.

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг ҳар бир иштирокчиси ўз ҳуқуқий мақомига эга бўлганидек, ППХ саф бўлинмаларининг ҳам ўтган давр ичида ўзига хос ҳуқуқий мақоми шаклланди. ППХ саф бўлинмаларининг ҳуқуқий мақомини тўлиқ тушуниш учун назаримизда, авваламбор, «патруль», «пост», «патруль-пост хизмати» ва «патруль-пост хизмати саф бўлинмалари» тушунчаларининг мазмун-моҳиятини чуқур англаб олиш мақсадга мувофиқдир.

«Патруль» сўзи французча «patrouille» сўзидан олинган бўлиб, «қўриқчи», «қоровул» деган маъноларни билдиради ҳамда мазмунига кўра маълум ҳудуднинг хавфсизлигини таъминлаш ва тартибни сақлаш учун қўйилган қуролли кишилар ёки ҳарбий самолёт, кема кабилар гуруҳини англатади. «Пост» сўзи ҳам французча «poste» сўзидан олинган бўлиб, «муайян жойга қўйилган»

¹ Ватанимиз мустақиллиги – биз учун куч-қудрат ва илҳом манбаи, тараққиёт ва фаровонлик асоси. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллик байрамига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. // <https://president.uz/uz/lists/view/4596>.

² 158. Байгажаков С.В. Организация деятельности служб и подразделений полиции по охране общественного порядка и обеспечению общественной безопасности [Электронный ресурс]: Учебник / Байгажаков С.В., Бецков А.В., Гордиенко В.В. – Электрон. текстовые данные. – Москва: ЮНИТИ-ДАНА, 2015. – 463 с. // [Электрон манба]. – URL: <http://www.iprbookshop.ru/52049>. (мурожаат вақти: 19.10.2019).





маъносини беради ҳамда мазмунига кўра «кўриқлаш ва мудофаа қилиш учун соқчига ёки соқчилар гуруҳига топширилган жой»ни англатади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, юридик адабиётлар ҳамда олиб борилган илмий-тадқиқот ишларида «патруль-пост хизмати» тушунчасига турлича таъриф бериш, унинг моҳиятини турлича талқин қилиш ҳоллари кузатилади. Хусусан, айрим юридик адабиётларда ушбу тушунчага «мамлакатда ва унинг маъмурий-ҳудудий бирликларида ЖТС ва ХТ, хусусан шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳар қандай жиноий, маъмурий ва бошқа ғайриижтимоий тажовузлардан маъмурий-ҳуқуқий ҳимоялашни амалга оширувчи хизмат» сифатида таърифлар келтирилган. Кўриниб турибдики, «патруль-пост хизмати»га берилган мазкур таъриф умумий хусусиятга эга бўлиб, унда хизматнинг фаолият йўналишлари, турлари ҳамда таркиби аниқ келтирилмаган.

Айрим юридик адабиётларда «патруль-пост хизмати» атамасини икки хил маънода қўллаш ҳоллари ҳам кўзга ташланади: биринчиси – жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминловчи ИИО махсус нарядларининг фаолияти бўлса, иккинчиси – жамоат тартибини сақловчи техник воситалар, қисмлар ва бўлинмаларнинг мажмуаси. Ҳуқуқшунос олим В.Л.Симонов эса «ушбу ҳар иккала келтирилган таъриф ҳам ППХнинг моҳиятини тўлиқ очиб беришга хизмат қилади», деб ҳисоблайди.

Олиб борилган тадқиқотларда «патруль-пост хизмати»га оид турли таърифларга дуч келиш мумкин. Хусусан, А.Н.Бадмаев «ППХ – бу жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликка қарши курашиш ва фуқароларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида пост ва патруль йўналишларида фаолият олиб борувчи ИИОнинг махсус тайинланган нарядидир», дея таъриф беради. М.В.Сергеев эса «ППХ – бу ички ишлар органларининг махсус наряди бўлиб, ҳарбий хизматчилар ва бошқа махсус бўлинмалар билан ҳамкорликда бириктирилган ҳудудларда, транспорт объектлари ва бошқа жамоат жойларида жамоат тартибини сақлайди» деган фикрни илгари суради³.

Ушбу келтирилган таърифлардан кўриш мумкинки, ППХни ўтайдиган таркиб фақат ИИОнинг махсус нарядлари билан чекланиб қолган. Ваҳоланки, ушбу хизматга ИИОнинг бошқа таркибий тузилмалари ҳамда ҳарбий хизматчилар ҳам жалб қилиниши мумкин.

³ 119. Сергеев М.В. Понятие патрульно-постовой службы полиции: история и современность // Юридическая наука и правоохранительная практика. – Тюмень., 2018. – № 1 (43). – С. 129-135.



Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мазкур тушунчага нисбатан мақсадга йўналтирилган таъриф берилган: «ППХ – ИИО ходимлари ва ҳарбий хизматчиларнинг кўчалар ва бошқа жамоат жойларида ЖТС ва ХТ бўйича аниқ белгилаб берилган ҳудудлар ва жойларда хизмат ўташи». Ўз навбатида мазкур таъриф ҳам назаримизда ушбу тушунча мазмун-моҳиятини тўлиқ ёритиб бера олмаган. Жумладан, унда келтирилганидек, ППХнинг хизмат кўрсатиш қамрови кўчалар, жамоат жойлари ва аниқ белгилаб берилган ҳудудлар, жойлар билан чекланмайди, масалан, улар бундан ташқари қўриқловга олинган маҳсулотларни темир йўл орқали манзилларига кузатиб бориш, йўловчи поездларда ЖТС ва ХТ фаолиятини ҳам амалга оширади. Демак, ППХ нафақат ҳудуд ва жойларда, балки маълум транспорт воситаларида ҳамда унинг белгиланган маршрутларида ҳам фаолият олиб боради⁴.

Профилактика инспекторлари билан патруль-пост хизмати ходимлари ўртасидаги ҳамкорликни такомиллаштириш учун қуйидаги таклифлар тавсия этилади. Булар:

биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги (2012 йил 24 декабрь) қонунида белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжат мазмунига қўйиладиган талабларидан келиб чиққан ҳолда, ҳавола этилаётган асосий тушунчаларни ягона шаклда бериш, худди шундай норматив кучга эга бўлган бошқа идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган нормаларнинг айнан такрорланиши ёки бир-бирига зид кўринишда белгиланишига йўл қўймаслик;

иккинчидан, мотоцикл ва велосипедларда патруллик қилишнинг алоҳида патруль тури сифати ҳуқуқий мақомини белгилаш;

учинчидан, мотоцикл ва велосипедларда патруллик йўналишининг масофасини қоида тариқасида аниқ белгилаш;

тўртинчидан, ППХ нарядларининг мотоцикл ва велосипедларда хизмат ўташининг ўзига хос хусусиятларини қоида тариқасида белгилаш;

бешинчидан, соҳанинг сафдорлик лавозимида кўп йиллик фаолият юритиб, ўзини ижобий томондан кўрсатган ходимларга, чет тилларини билиш даражаси юқори бўлган, тегишли ихтисослик фани бўйича халқаро ва республика фан олимпиадаларининг ғолиби бўлган ҳамда давлат мукофотини олган номзодларга имтиёзлар бериш мезонларини ишлаб чиқиш.

⁴ С.С. Шарипов Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш диссертациясидан. 15-бет.



ППХ саф бўлинмаларини бошқаришнинг ташкилий-тактик асосларини қуйидаги йўналишларда такомиллаштириш мақсадга мувофиқ:

биринчидан, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларини, жумладан, жўғрофий жойлашуви, аҳолиси, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, маданий, давлат аҳамиятига эга ва бошқа хизмат кўрсатиш объектларининг мавжудлиги, жинойтчиликнинг кўрсаткичлари, шакл ва усулларини инобатга олган ҳолда, ППХни ташкил этиш бўйича ҳар бир ҳудуднинг ўз моделини яратиш ва уни зарурий компьютер-таҳлил дастурий тизимлар билан таъминлаш;

иккинчидан, ИИО ППХ саф бўлинмалари нарядларига туну кун фаолиятлари юзасидан ижтимоий тармоқлар (телеграм), телефон ва бошқа воситалар орқали ҳуқуқий маслаҳатлар бериб бориши мумкин бўлган марказларни ташкил қилиш.

Хулоса сифатида шунини таъкидлаш жоизки, профилактика инспекторлари профилактика инспекторининг жамоат тартибини сақлашда патрул-пост хизмати билан ўзаро ҳамкорлиги жуда муҳим ҳисобланади. Сабаби икки соҳавий хизмат ходимлари жамоат тартибини сақлаш фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлашда бири бирига ўзаро ахборот алмашув ва амалий шаклда ҳамкорлик тўғри йўлга қўйилса маҳаллада жинойт ва ҳуқуқбузарлик содир этилмайди. Профилактика инспекторларининг патрул-пост хизмати билан самарали ҳамкорлиги маҳалладаги ҳар қандай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарларни ушлаш ва жамоат ҳавфсизлигини мустаҳкамлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Мамлакатимизда жамоат тартибини сақлаш ҳамда фуқаролар ҳуқуқлар экрикликлари ва қонуний манфаатларини ишончли таъминлаш учун профилактика инспекторларининг патрул-пост хизмати билан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарали ҳамкорлик нафақат маҳалла фуқаролари билан, балки замонавий рақамли технологиялар, қўшма дастурлар ва норматив ҳуқуқий ҳужжатлар орқали ҳам тизимли равишда кучайтирилиши лозим. Бу эса маҳалладаги тинчлик таъминланишига ва ҳавфсизлик даражасини юксалтиришга хизмат қилади. Ушбу жараёнда маҳаллада ҳуқуқбузарликлар камаяди, бу эса ватанимиз тинчлигига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ватанимиз мустақиллиги – биз учун куч-қудрат ва илҳом манбаи, тараққиёт ва фаровонлик асоси. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллик байрамига

бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. // <https://president.uz/uz/lists/view/4596>.

2. Байгажаков С.В. Организация деятельности служб и подразделений полиции по охране общественного порядка и обеспечению общественной безопасности [Электронный ресурс]: Учебник / Байгажаков С.В., Бецков А.В., Гордиенко В.В. – Электрон. текстовые данные. – Москва: ЮНИТИ-ДАНА, 2015. – 463 с. // [Электрон манба]. – URL: <http://www.iprbookshop.ru/52049>. (мурожаат вақти: 19.10.2019).

3. Сергеев М.В. Понятие патрульно-постовой службы полиции: история и современность // Юридическая наука и правоохранительная практика. – Тюмень, 2018. – № 1 (43). – С. 129-135.

4. С.С. Шарипов Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш диссертациясидан. 15-бет.

5. Bobur, Mustofaqulov, Asror o'g'li, Niyatullo Jahongir o'g'li Ahmadqulov. "muhiy siyosatdan kasallik inspektorlarini oldini olish". Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies 2.2 (2024): 58-62.

6. ugli G'ofurov, A. A., & o'g'li Mustofaqulov, B. A. (2024 yil, dekabr). huquqchilik profilaktikasi xizmatinda kadrlarni ta'lim olishning samarali tizimini takmonlash. xalqaro ilmiy konferensiyada "ilmiy ilmlar va innovatsion yundashishlari" (1-jild, 2-son, 16-22-betlar).

7. Атажанов Ў. М. и др. бозорлар ҳудудида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимининг ташкилий-ҳуқуқий асослари таҳлили // Научный Фокус. – 2025. – Т. 3. – №. 30. – С. 152-162.

8. Бобур, Мустофақулов, Асрор Ўғли, and Умиджон Жамолиддин Ўғли Обиджонов. "профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикаси бўйича фаолиятини такомиллаштириш." Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies 2.2-2 (2024): 33-39.

9. Bobur, Mustofaqulov, Asror O'g'li va Asadbek Abror O'g'li Abduxalilov. "muhiy hodisa bo'lgan holda kasallikning muhimligini tekshirishni profilaktikasi". Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies 2.1-2 (2024): 130-136.

10. Мустофақулов Б. А. Ў., Ибрагимов А. Ш. Ў. профилактика инспекторлари томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилиши сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитлар тўғрисида ҳабардор қилишни такомиллаштириш

//Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2024. – Т. 2. – №. 2. – С. 22-26.

11.Мустофакулов Б. А. Ў., Алламуратов А. С. У. профилактика инспекторларининг аҳоли олдида ҳисобот беришда давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлиги //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 2-2. – С. 67-72.

12.Мустофакулов Б. А. Ў., Сирожиддинов И. Р. Ў. профилактика инспекторининг уюшган жиноятчиликни олдини олиш чора-тадбирларини такомиллаштириш //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 4. – С. 52-56.

13.Мустофакулов Б. А. Ў., Мамарахимов А. М. Ў. одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг виктимологик профилактикасини такомиллаштириш //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 4-2. – С. 217-221.

14.Бобур М., Ўғли А., Рўзиев Ж. С. Ў. профилактика инспекторининг профилактик ҳисобга олинган шахслар билан ишлашда яқка тартибдаги профилактика чора-тадбирларини такомиллаштириш //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 3. – С. 10-16